







КУТУБХОНАЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

КИТОБЛАРГА ҲАВАС ЎЙҒОТИБ

Бу мактабда Зоя Абрамова-Сморгуновани каттагон-кичик танийди. Педагоглар унинг ҳамisha хизматга шайлиги, ўз бурчини сидқидилдан бажарганлиги учун астойдил ҳурмат қилишса, ўқувчилар уларнинг «кутубхоначи опа»ларини очик чеҳралиги, китоб танлашда ерданини аламчилигини таъкидлаб у ҳақда меҳр билан гапирядилар.

Чиндан ҳам З. Сморгунова бундай иззат-икромга насиб бўлган чин ихлоси туфайли эришти. Пойтахтимизнинг Киров ноҳиясидаги ушбу кутубхонада 21-ўрта мактаб кутубхонасида 20 мингдан зиёд ўқув кўланмалари, дарсликлар, 7 минг нуска атрофида бадий адабиёт мавжуд.

Бундан ташқари у ўқитувчилар илтимосига кўра маҳсулотлар ўтишининг ҳар хил усуллари оид кўланмалар учун махсус бўлим ҳам ташкил этди.

Мураббийлар ҳикоя қилишча, кутубхона хизматидан бошлангич синф болалари ҳам, юқори синф талабалари ҳам унинг фойдаланишар экан. Бу ерда рус ва ўзбек тилидаги дарсликлар, бадий китоблар жавобларга алоҳида-алоҳида жойлаштирилган. Уларни танлашда китобхоналар асло қийналишмайди.

— Болаларга зин тартув-чининг рус ва ўзбек тилини пухта билиши ва бемалол сўзлай олиши эса ўқувчиларни кутубхонага жалб этишда катта қўлайлик яратди. Зоя Абрамова кўпгина маъмули тадбирлар ташаббускори ҳамдир, — дейди мактаб директори Баҳодир Азимов. — У ушторган шеърят кечаси, «Ўзбек ёзувчилари ижоди» сўхбат давраи «атроф-муҳитини озода сақлайлик» туруни, кўргазмалари шулар жумласидан.

Д. ИЗЗАТИЛЛАЕВА.

АТТАНГ, ДЕМАЙЛИК...

10 ноябрь — Совет милицияси кун байрами вилоят Давлат автомобил инспекцияси бошлиғи учун асабузар тугиз ш билан бошлангач ва барча автоспекторлар байрами кўча-йўлларида, хусусан, тоғлиқ жойларда ҳаракат хавфсизлиги тартиб-интизомининг ўрнатил билан ўтказилар. Йўқ, бу бошқа вилоятда рўй берган автохалокат натижасида ўтказилган тадбир эмас, пойтахт вилоятида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун мунтазам иш олиб борилади. Бунинг «Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 30 июнь сониди босилган «Фалокат рўй бермасин деб» сарлавҳали мақола ҳам тасдиқлайди. Бироқ, мақолалар ёзилгач, раҳбарлар муҳарририятга жавоб беришгач, Афсуски, булар қозғода қолиб кетмоқда, кўтарилган масалалар бўйича амалда ўзгариш сезилмапти.

Мавзуга бугун шойлиқ қайтишга ундаган нарсаси — Қашқадарь вилоятининг Миронки қишлоғида 8 ноябрь кунини эрталаб содир бўлган автохалокат: «Урал» маркали кичик автобус «Хисарак — Миронки» маршрути бўйлаб тоғлиқ йўлда бораётган жарага ағаниди. 9 киши ўлган, 17 киши касаллонида, кўпи оғир аҳволда. Бу хабар жумҳуриятнинг барча вилоят автотранспортчиларига зумда тарқалди. Лекин бевосита автобус хизматининг назорат қиланган раҳбар ташкилотлар 10 ноябрь кунини ҳам ундан беҳабар экан. Вилотининг йўловчи ташкилот билан йўловчи ташкилот хавфсизлиги хизмати бошлиғи Р. Галимов вилоят Давлат автотранспорт бошлиғи хонасида «билмадим, бизга бу ҳақда хабар қилишмади» деб елка қисиб ўтирибди. Холбуки...

Юқорида эслатилган мақолада тоғ йўлларида автобусларга нормалдан ортқ йўловчи олиш йирик ҳалокатга олиб келиши мумкинлиги бунинг олдини олиш зарурлиги муаммоси кўтарилган. Чирчиқ, Паркент, Ангрен автотубус паркидаги қўпол қондабузарликлар анжик соғаларда кўрсатилган бўлишига қарамай... ўша қондабузарликлар ҳамон давом этапти.

Мавзуга қайтиб

9 ноябрь кунги қайта текширув бунинг тасдиқлайди. «Тошкент — Ўш» йўлининг 116 километринида тўхталган 47—21 ТШМ номерли «КАВЗ» автобусида тин туриб кетган 20 киши бор эди. Ҳайдовчи Абдулхалиқ Исмаиловнинг айтишча, тоғ йўлида нормалдан ортқ 20 йўловчининг автобусга «киришти» қўпол ҳатодир. Атар бунинг ҳайдовчин билан бирлашмасига қарашли автобаза (директори Ш. Насриддинов) раҳбарлари ҳам бишлимайдими? Янги йўлдаги 5-автокониона раҳбарлари ҳам ҳам худди шу савол билан мурожаат этиш жоиз. Бу автоконионага қарашли 20—37 ТШМ номерли УАЗ-452 машинасида ҳайдовчи Абдурауф Сайлибев 12 кишини олиб кетган экан. Ваҳоланки, машина йўловчи ташкилотида мослаштирилмаган. Мана сизга бўлажак автохалокатнинг нафд сабаблари ва сабабчилари.

Эслатилган мақолада Чирчиқдаги 15-автотубус парки (директори А. Нўлдошев) шайнинг жиддий гаплар айтилган эди. Хулоса қилирилмабди, 9 ноябрь кунини «Тошкент — Бурчмулла» тоғ йўлида 54—84 ТШМ номерли ЛАЗ автобуси (ҳайдовчи Абдулхалиқ Хасимов) тин турган 23 йўловчининг олиб кетганда тўхталган. Паркент автобус парки раҳбарияти (директори Ш. Этамбердиев) ҳам на вилоят Давлат автотранспортининг, на рўзномани менсимайдиган бўлиб қолган шекилли, тоғ йўлида йўловчилар сарқиндек қаланган автобуслар тез-тез учрайпти. 89—13 ТШМ номерли ПАЭ автобуси болалардан ташқари 20 нафар тин турган йўловчи билан тўхталган («Қўйлик — Невич» маршрути). Ҳайдовчи Холдорой Қурбонов жадвал бўйича ундан олдин юриши керак бўлган автобус ўқилги учун йўловчилар қўпайиб кетганини рўқач қилди. Хўш, жадвалдаги автобус йўқлиги учун ким айбдор?

Х. ОЛИМЖОНОВ.

«Крок» ногирон болалар учун

ТУРКИСТОН ҳарбий музофоти шифохонаси эски биносига жойлашган В. И. Ленин номи Совет болалар фонди жумҳурият бўлимининг «КРОК» фирмасига кириб келганимизда, унинг бош мухандиси Владимир Григорьевич Черединов ишчилар билан биргаликда тошкентлик «Н», исмли аёлнинг ногирон фарзанди учун аравача тайерлаш устида иш олиб бораётган экан. Ҳа, маъмур фирма мана олти ойдин, мамлакатимиз турли шаҳарларидан келган буюртмалар асосида ногирон болалар учун аравачалар тайерламоқда.

Григорьевич ихтироси асосида яратилган ушбу аравачалар ўзига хослиги, энгиллиги ҳамда бошқарув элементлари кўпчилиги билан аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Уни бемалол йиғиб, қўлда кўтариб юриш ҳам мумкин. Баҳоси ҳам унча қиммат эмас — бор-йўғи 500 сўм, вази 18 килограмм. Шу боис бўлса керак, фирма номинга мамлакатимизнинг турли чеккаларидан, хусусан, Чукотка, Чита, Болтиқбўйидаги ва бошқа ўйлаб шаҳарлардан буюртмалар кетмакети келиб турибди. Тўғри, уларнинг барчасига аравачалар тайерлаш ҳозирча фирма томонидан осон кўчмапти. Чунки, фирма аъзолари олдинда бинонинг кенгайтириш, унга янги асбоб-ускуналар ўрнатил муаммоси кўндаланг бўлган турлиди. Жумладан, Туркистон ҳарбий музофоти шифохонаси билан ижара ҳақидаги шартнома муддатини ҳам ахтирмоқда ҳоли эмас. Бу ҳолда саволи ишга қўл урган крокчилар ташкили иш учун олган 50 минг сўмни тўлай олмайдилар.



Уйлашмики, «КРОК» фирмаси муаммоларини ҳал этишда мутасадди ташкилотлар ўз ёрдам кўларини қўйиб, унинг саволи ишини давом эттиришга қўмаклашадилар. Ана шунда крокчилар нафақат бошқарилмаган, балки, ҳозирги кунда ишлаб чиқаришга жорий этиш арафасида турган ўзи юрчувчи аравачаларини ҳам ногирон болалар учун туҳфа қилиш имконига эга бўладилар. Биз ана шу фирмага ёрдам қилиш муаммоси бўлган ташкилот ва муассасалар учун фирма маълумоти ҳақда қиламиз. 700029, Тошкент шаҳри, Пардадар хиёбони, ҳўжалик ҳисобидаги «КРОК» фирмаси.


Суратларда: (юқорида), фирма бош инжениери В. Черединов; Крокчилар иш устида, ферманинг тайер маҳсулоти. Сураткаш: Д. АХМЕТОВ.

ГЎЗАЛЛИК ЁНИМИЗДА

ЖУМҲУРИЯТ бўйлаб сафарлар ССЖИ расомлар уюшмасининг аъзоси Искандер Ҳайдаровни «Қардош ўлкага муҳаббат билан» ранг-тасвир туркумининг эр-тишга илқомланганди. Бу асарлар туркумининг кенгайтирилган бадий ижодиёти марказида очилган кўргазмадан жой олди.

Мен ўзининг дастлабки кўргазмадан айна шу ердан жой олганидан хурсандман, — дейди асарлар муаллифи. — Зеро асарлар — энг самимий, ҳис-туйғулarga бой ва энг ҳалол томошабин эканлигига ишончли қомил. Болаларнинг фикрлари ҳам, менинг асарларим уларнинг ҳис-туйғуларига қанчалик таъсир этгани ҳам мен учун нисбатда муҳимдир. Мусавир Хуссон, Бурчмулла, Бўстонлик, Сурхон водийси, Қардос Самарқанд ўлкаси манзараларини катта меҳр билан яратди. Унинг бир қанча ишлари ўзбек маданияти ва санъати арбобларига бағишланган. Искандер Ҳайдаров — жумҳурият халқ расоми Незам Қўзйбоевнинг шогирди. Ёшлиғига қарамай, у расомлик санъатида ўз услубини топишга муваффақ бўлди. У ўз ижодида Ўзбекистон ранг-тасвир мактабининг асосчиларидан бири бўлган Павел Бенковский услуби ҳам катта таъсир кўрсатганлигини инкор этмайди. Ҳайдаровнинг ўзи ушбу мўйқалам устасининг номи билан аталувчи расомлик билим юртини, кейинроқ театр ва расомлик илғоҳини тамомлаган.

ЎзТАГ.



БЕШ КИЛОГРАММЛИ ПИЁЗ

ЛОНДОНДА чиқадиган «Экономика» ҳафталигининг таъкидлашча, жаҳонда энг катта пиёз Йоркшир графлигида бир бинор томонидан етиштирилди. Бунинг сирини ҳақида ҳам айтилади. Ҳар кун асосий сабабларини ҳар кун асосий ишга кетиш олдидан ўз «бонмандарини» билан сўзлашган. У ҳаммаси бўлиб беш минг фунт стерлинга — ҳар бир килограмм учун минг сўмдан — сўғурте қилинган пиёзники нима қилишни ҳозирча билмай турибди.

ЎзТАГ.

НЕФТЬ ЗАПАСЛАРИ ҚАНЧА!

ЖОРИЙ йилимизнинг бошларига келиб бутун дунёдаги нефть запаслари миқдори 1002 миллиард баррел (бир баррел — 159 килограмм) деб тахмин қилинмоқда. Унинг асосий қисми яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида жойлашган. Улардаги «қора олтин» запаслари жаман нефтининг 66 фоизини ташкил этади. Лотин Америкаси ҳам чекки эмас экан. Бу қитъа мамлакатларида 12 фоз нефть запаслари бор.



Унинг ҳаммаи кўпчилиги жиҳатидан набағдаги погонани социалистик мамлакатлар эгаллаб турибди. Улардаги бундай қимматбаҳо хом ашё барча мавжуд запасларнинг 8 фозига тенг. Африкада 6, АҚШда 3 фозини жойлашган. Осиё ва Австралия қитъаларида, Ғарбий Европада бу кўрсаткич 2 фозини, Канадада эса 1 фозини ташкил этади.

ДУОХОНЛАР КҮП

АФРИКАНИНГ кўпчилиги мамлакатларида дуохонлар замоний таъбиот билимига эга бўлган маънавий арбоблардан кўп. Зимбабве бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу мамлакатда ҳар кун «таъбиот» уюшмаси ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари сифида 24 минг нафар дуохон бор. Ваҳоланки,

тиббий вазирилик тармоқларида ишлаётган арчалар ва кичик тиббий ходимлари сафи атғи 11 минг кишидан иборатдир.

ЗИЛЗИЛАГА БИР СОНИА ҚОЛГАНДА

Мексикада аҳолини зилзила бошлангачидан хабардор қилишга мўлжалланган компьютер системаси ишга туширилди. Унинг асбоблари, амалда бутун мамлакат ҳудудида еростида бўлаётган жараёнларини мунтазам кузатиб боради.

Техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш мексикалик мутахассисларга ер силкинишини бу табиий офат рўй беришидан бир неча дақиқа илгари билиш имконини беради. Аҳоли зилзила бошлангачидан ҳақида дарҳол хабардор қилинади.

Мексика Япониядан сўнг жаҳонда иккинчи бўлиб ана шундай компьютерлар қурилмасини ўрнатди.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ТУЗЕЛДАГИ «АЙТИС»

Оржоникидзе ноҳиясидаги Тузель қишлоғи клубининг томошабинлар билан тўла залда аҳолининг танқили оқинлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Анъанавий ва ҳамisha навқирон «Айтисга» Тошкент ва Чимкент вилоятларининг бир қатор аҳоли пунктларидан ёшувчи бадихчи шонирлар келишди.

Қозоқ, ўзбек ва бошқа миллат вакилларига мансуб томошабинлар жумҳурият ҳамда жумҳуриятлараро «Айтис» танловларининг совриндорлари Аширмат Мусавир, Шалқар Утирбоев, Ашим Уринкулов, Қоҳрамон Бекжониев, Молдобек Шеримбетов, Қолдибек Бекбау ва бошқаларини илқ қарши олишди. Айтисга, Коммунистик ноҳиясининг К. Маркс номи жамоа ҳўжалигиди С. Муқонов номи мактабининг 8-синфиде тахсил қўраётган 15 ёшли Қўрбонбек Отурбоевнинг қиқилиш кўпчилигининг олқишига сазовор бўлди. Унинг юксак қобилият ва маҳорат билан ижро этган асбоб ўйлавлари барчани ўзига ром этди. Тадбир жобайида шу ерлик оқин, 36-мактабда қозоқ тилидан сабоқ берувчи ўқитувчи, Олмаотода ўтган йили ўтказилган «Айтис» танловининг совриндори Мехелбей Умаров маъмур оқошнинг бошқариб борди ҳамда ўзи ҳам ўйлашчи шонирлар баҳсида бевосита иштирок этди.

Тузель қишлоқ кенгашининг фаол иштироки ва таъсис билан ушторилган ўзига хос ушбу байрамда ўзбек ва қозоқ халқларининг, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллариининг асрий ва азаллий дўстлиқ муносабатлари

• ҲОДИСА МЕҲМОНХОНАДА ЁНГИН

9 ноябрь кунини Тошкентдаги «Ленинград» меҳмонхонасининг маъмурияти билан қўноқларини ўз бир минут давомида ташвиш чекдилар. Қундуз кунини соат 4 ларда ёнғин алоқаси марказий дўнқитига меҳмонхонада ёнғин бошлангани ҳақида ташвишли хабар келди.

Ўт ўчирувчиларнинг тили билан айтганда, меҳмонхона «ёнғин хавфи қучли бўлган иншоотлар» қаторига қиради. Воқеа содир бўлган ерга 14 та машина етиб келди. Ёнғин манбаи коммунал қишлоқ шайхасида электр симлари ёнаётган жойда эди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, меҳмонхона хизматчилари ва у ерда яшашган кишилар энгил нафас олишди — ўт ўчириб бўлинган эди.

Электр симлари бир-бири билан тўқнашгани ёнғинга сабаб бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Бу воқеа юзасидан тергов олиб боришмоқда, қўрилган моддий зарар миқдори аниқланмоқда.

ЎзТАГ.

12 ноябрь кунини тун яримдан оққанда, маҳаллий вақт билан соат 3 дан 20 минут ўтганда Ўзбекистон пойтахтида 3 баллидан 4 баллгача куч билан ер ости силкинишлари бўлганлиги ҳақида аниқланди. Тошкент сейсмо

логия обсерваторияси мутахассисларининг хабарига қараганда, зилзила маркази пойтахтнинг ўзига бўлган. Қўрбонбек ва яёронагарчиликлар ҳақида хабар йўқ.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар. Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Фаоғирлар шоҳқўчаси, 6-й (Аҳолини ишга жойлаштириш маркази) ва заводнинг мутахассислар бўлимига (телефон 98-47-77).

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ (ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА) БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. МУҲАРРИР Ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БҲИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-санаят — 325647; санаот, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325787; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; аълолар бўлими — 325727.